

Менда сизга аталган катта маблағ бор

10:01 / 16.03.2019 2165

ир ёш бола: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Ўн сўм берса керак», деб ўйлайсиз.

Агар банк мудури: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Миллион сўм берса керак», деб ўйлайсиз.

Агар подшоҳ: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Миллиард сўм берса керак», деб ўйлайсиз.

Шундай экан, оламларнинг Робби Аллоҳ аzza ва жалланинг «Солиҳ бандаларим учун жаннатда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, инсон қалби ҳис қилмаган нарсаларни тайёрлаб қўйдим», деган сўзини ўқиб, нима деб ўйлаяпсиз?